

 Давоми 3-бетда

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИНИНГ ТАЯНЧ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Байрамона сана етакчи таълим даргоҳининг собиқ битирувчилари, барча талабалар ва профессор-ўқитувчилари қаторида хорижий олий таълим муассасаларидаги илм аҳлини ҳам бефарқ қолдирмади — дунёнинг турли бурчакларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.

Университет жамоасини бевосита қўллаш ниятида бўлган турли вазирлик ва давлат идоралари, таъкилотлар аъзолари, хорижлик меҳмонлар эса сана муносабати билан жорий илм даргоҳида 25-27 ноябрь кунлари бўлиб ўтган “Янги Ўзбекистонни инновацион, ижтимоий-иқтисодий юксалтиришда замонавий таълим муассасасининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда жам бўлишди.

Тадбир тантаналарининг очилиш маросими эрта тонгдан юқори кайфият ва ўзгача шукҳда бошланди. Университет ёшлари юзидаги табассум, байрамона руҳ меҳмонлар чехрасига кўчди. Барча бинининг маданият саройида жам бўлди. Минбардан жой олган нуфузли меҳмонлар ҳамда олий таълим муассасаси ректори, техника фанлари доктори, профессор Қўниротбой Шарипов йиғилганларни шонли сана билан қўтлади.

Меҳмонлар орасида университетнинг собиқ битирувчилари — айнаи дам давлат таъкилотларининг юқори лавозимларида меҳнат қилаётган ходимлар, ириқ иқтисодчилар, танкили ишбилармонлар ҳам бор. Севимли илм даргоҳининг салкам бир асрлик шодёнасини нишонлаётган йигит-қизлар собиқ битирувчиларнинг эришган муваффақиятларига ҳавас билан боқди, улар каби ўз касбининг етук мутахассиси бўлишни ният қилади. Ана шундай оппоқ орзуларни дилига тукан бўлажак иқтисодчилар университет ҳовлисида меҳмонлар гувоҳлигида байрам шарларини ҳавога учирди.

Тантанали маросимнинг биринчи куни “Иқтидорли иқтисодчи ёшлар — Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий драйверлари” шiori остидаги форум билан бошланди. Университет ҳудудида “Талаба ёшлар ва инновациялар” илмий-тадқиқот ва стартап лойиҳалар танлови, “Рақамли иқтисодиёт: пандемия шароитида барқарор ривожланишининг янги ҳақиқати” мавзусидаги илмий мақолалар танлови, “IT-конструктор”, “Китобхонлик ва ижодкорлик ҳудуди” қуриқ-танловлари, “Заковат” интеллектуал ўйини, фан олимпиадаси ва спорт мусобақалари ташкил этилди. Уларда халқаро ва



мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг 300 нафарга яқин иқтидорли талабалари ҳамда 153 нафар мактаб ва лицей ўқувчиси иштирок этмоқда — байрам чинакам Ёшлар фестивалига айланди.

Бинининг бир қисмида йигит-қизлар олимпиада, қуриқ-танловларда билимини синовдан ўтказётган бўлса, бошқа томонда спортчилар рақиблари билан куч синашяпти. Стартап лойиҳалар танловида эса 40 дан зиёд йигит-қиз ўз лойиҳалари билан қўзғатувчиларни ҳайратга солимоқда. Ҳақамлар эса уларни хорижлик меҳмонлар иштирокида баҳолаяпти.

Бу ерда стартап лойиҳалар хонасидан сал нарида намойишга қўйилган катта дрон қўрилмаси эътиборимизни тортиди. Унинг ғоя муаллифи ва раҳбари 28 ёшли Ҳамдам Ҳомидов мазкур университетнинг Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялар кафедрасида амалиётчи-тадқиқотчи. Бир қанча компьютер дастурлари, мобиль иловалар муаллифи. Дронлар лойиҳаси унинг 6 нафар аъзосидан иборат жамоаси билан биргаликда 2 йил давомида амалга оширган ишларидан бири.

— Мазкур дрон қўрилмаси қишлоқ ҳўжалигида фойдаланишга мўлжалланган, — дейди ёш дастурчи. — У экин экилган ер майдонларидаги зараркунанда хашаротларни аниқлайди. Ҳозирда дастурга хашаротларнинг 200 дан зиёд тури киритилган. Дрон уларни аниқлаб, махсус тизим орқали маълумот беради. Масалан, 10 гектар галла майдонининг 1 гектарига зараркунанда хашарот тушган бўлса, бу ҳақида хабар беради ва уларни бартараф этиш ҳам дрон орқали амалга оширилади. Яъни ўша жойнинг ўзига керакли дори воситаси сепилади.

Ёш мутахассислар яратган дрон қўрилмасининг оғирлиги 6,5 килограммга яқин, учуш баландлиги эса 600

метргача боради. Бир мартада 25 килограммгача юкни кўтара олади. Лойиҳага фермерлар томонидан қизиқиш ортиб бормоқда. Айни пайтда лойиҳа молиялаштиришнинг сўнгги босқичида бўлиб, қиймати 2,4 миллиард сўм, деб баҳоланган. Маблағ ажратилган, дронларни ишлаб чиқариш бошланганди.

Форум тантаналарининг муҳим қисмидан яна бири — университет биносида талабалар учун Шахмат санъат мактабининг очилиши бўлди. Унда Россия Федерацияси Урал давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Яков Силин ҳам иштирок этди.

— Ўзбекистонга биринчи келишим эмас. Ҳар гал келганимда, катта таассуротлар билан қайтаман, — дейди профессор. — Бу ердаги юқори маданият, таълим тизими, анъаналар, халқнинг меҳмондўстлиги мени ва жамоамни доим ўзига жалб қилади. Айниқса, Тош-



кент давлат иқтисодиёт университети билан яқин ҳамкорлигимиз дўстлик ришталаримизни мустаҳкамлаган. Таълим даргоҳининг 90 йиллиги ва бу ерда шахмат мактабининг очилиш ўртасида рамзий маъно бор. Гап шундаки, шахмат ва илм-фан, шахмат ва ҳаёт тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ.

ТДИУда шахматта қизиқувчилар кўпчиликини ташкил этади. Биринчи босқич талабалари орасида 20 га яқин гроссмейстер бор. Тадбир давомида улар ёшларга маҳорат дарслари ўтди. Шахмат санъат мактабининг очилишида шахмат бўйича халқаро гроссмейстер, Ўзбекистон ифтихори Нафиса Мўмино-ва ҳам шоғирдлари билан иштирок этар экан, талабалар орасида бу спорт турига қизиқувчилар кўплигидан ҳайратда эканини таъкидлади.

Илмий ҳамкорлик кенгаймоқда

Кейинги куни тадбирнинг асосий қисми — Халқаро илмий-амалий кон-

ференция ўз ишини бошлади. Маҳаллий ва хорижлик мутахассислар маърузалари жой олган анжуманни илм-фан соҳасидаги йирик воқеалардан бири дейиш мумкин. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва бошқа олий таълим муассасаларининг етакчи мутахассислари, профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилари, магистрант ва иқтидорли талабалар иштирок этмоқда.

— 90 йил инсон ҳаётида қарийб бир аср, дегани. Шунча вақт мобайнида иқтисодий йўналишларда кадрлар етиштириб беришдек масъулиятли ва шарафли вазифани адо этиб келаётган, бугун шонли тарихининг яна бир санасини нишонлаётган ТДИУнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни қанчалик муҳим эканлигига гувоҳ бўляпмиз, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг фан ва инновациялар бўйича ўринбосари Раҳимжон Ҳакимов. — Университет нафақат мамлакатимиздаги, шу билан бирга, жаҳон олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда. Бу борада таълим даргоҳининг ўқув, илмий ва халқаро ҳамкорлик фаолияти натижалари эътирофга лойиқ. Университет томонидан юртимизда биринчилардан бўлиб Скопус (Scopus) ва Web of Science халқаро илмий базаларида индексация қилинадиган конференция тўпламининг нашр этилиши бўйича ташкил этилаётган “Коммуникацияларни бошқариш, программалаштириш ва рақамли иқтисодиёт” 1-халқаро илмий конференцияси мезбони Тошкент давлат иқтисодиёт университети эканлиги ҳам юқоридаги фикрларимизнинг яққол тасдиғидир.

Олий таълим даргоҳи Урал давлат иқтисодиёт университети, Москва тадбиркорлик академияси, Австриянинг Кремс амалий фанлар университети, Финляндиянинг Турку университети, Буюк Британиянинг Лондон университети билан ҳамкорликда қўша таълим дастурларини муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Жорий йилда ТДИУнинг “Times Higher Education

Impact Ranking” халқаро рейтингининг 1000 талағига киргани эса юртимиз илм-фан соҳасида катта ютуқлардан бири бўлди.

Турли давлатлардан келган малакали мутахассислар илмий-амалий конференциянинг фаол иштирокчисига айланган. Жумладан, Саудия Арабистони Қироллигидаги Қосим университети, БААдаги Шаржа университети, Германиядаги Мюнхен техника университети вакиллари ўзларининг долзарб мавзулардаги маърузалари билан қатнашмоқда.

Анжуманнинг илмий йўналиши қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш орқали озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, рақобатбардош саноат замирилари яратиш ва инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларига қаратилган. Шунингдек, юртимизда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

БАҒРИКЕНГЛИК

Қадим ва навқирон Хоразмнинг рамзи бўлмиш Хивага дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюраётган сайёҳлар обобларимиз қолдирган маданий-меъморий обидалар, осори-атиқаларни томоша қилиш асносида бугунги тинч ва фаровон ҳаёт, турли миллат вакиллари тўтув турмушини кўриш учун, албатта, Урганч туманидаги Ғойбу қишлоғига ҳам боришади. Бу ерда икки асриқ собит турган Улли ҳовли отлик қадим иморат бор. Лойдан тикланган бу иморат бежиз “Улли”, яъни катта нисбаси билан аталмайди. Ушбу ҳовлида неча ўнлаб оилалар бир қозондан овқат еб, биргаликда ҳосил етиштириб, тўй-маъракаларини ҳамжиҳатликда ўтказган. Ҳовлидаги иморатни аслида аҳиллик, тинч-тотув яшаш, миллатлараро бағрикенглик каби қадим қадриятларимизга қўйилган ҳайкал, деса бўлади.

ТИНЧ ОСМОН ОСТИДА БИР ОИЛАМИЗ



Ботир ТЎРАЗОДА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Президентимиз ташаббуси билан ушбу иморат қайта таъмирланб, мухташам обидага, миллатлараро то-тувлик рамзига айлантирилди ва сайёҳлик йўналишига киритилди.

Улли ҳовли ёнида “Ўзбек-туркман дўстлик уйи” қад ростлаган ва ундан икки халқнинг минг йиллик дўстлиги, биродарлиги акс эттирилган тарихий ашёлар, солномалар жой олган. Дўстлик уйида очилган кутубхона фондида ўзбек ва туркман тилларидаги турли адабиётлар бор.

Аллақондай таърифи дунёга кетган мазкур замонавий ва қадим меъморий иншоотларнинг шу ерда қад ростлагани ва ҳануз мағрур тургани беҳуда эмас. Бу қишлоқ аҳлининг аксарини туркман миллатига мансуб аҳоли ташкил қилади. Қишлоқда туркман тилида дарс машғулоти ўтиладиган мактаб ва боғчалар фаолият юритмоқда. Маҳалла “Обод маҳалла” дастури ижроси доирасида ўтган қисқа муддатда тамомла ўзгача — замонавий қиёфа касб этди. Бу ерда ёш оилалар учун муназели мавзе қурилиб, эгаларига топширилди.

Мен туғилиб ўсган Богот туманидаги Қалъажик қалъа маҳалласидаги 150 дан ортиқ туркман хонадонларида минг нафарга яқин киши истиқомат қилади. Маҳалламиз икки йил олдин “Обод маҳалла” дастури бўйича бутунлай ободонлаштирилди. Йўл ва кўчалар кенг, равон, маҳалла гузариди барча маиший савдо шохобчалари кечаю кундуз хизматда. Ҳатто тунда ҳам ҳамма ёқ чарогон, сабаби, барча йўللarga тунги ёриткичлар ўрнатилган. Табиий газ, ичимлик сув қувурлари одамларнинг оғирини енгил қилмоқда.

Маҳалладошим Умрбек Ўдаков билан гурунлашганимда у барчамизнинг кўнглимиздаги гапни айтди: “Оддий тракторчидан. Қишлоқда, туманда менга ўхшаган меҳнаткорлар оз эмас. Кўп йиллик камтарона меҳнатим шу қадар юқори баҳоланганидан жуда мамнунман ва ҳаяжондаман. Президентимиз фармонида кўра, “Шухрат” медали билан тақдирландим. Биз ота-боболаримиз умргузаронлик қилган муқаддас заминда яшапмиз. Фарзандларимиз ҳам шу ерда бошқа миллат вакиллари билан тинч ва тотув яшайди, албатта! Бу аҳиллик, ҳамжиҳатлик барчамиз учун жуда қадри, эъзозли”.

Маҳалламиздаги ер майдонлари беш нафар фермерга деҳқончилик учун ажратиб берилган. Бундан ташқари, қишлоқ аҳли учун янги иш ўринлари

яратилиб, турли соҳаларда тадбиркорлики йўлга қўйган йигирмадан ортиқ ишбилармон бор. Барчалари туркман миллати вакиллари.

Қишлоқдошимиз Ҳасанбой Кенжаев Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакили ўринбосари, вилоятдаги энг йирик — Урганч шаҳридаги “Охун бобо” жоме масжиди имом-хатиби. У аҳоли орасида ҳаммаша миллатлараро дўстлик, биродарларнинг бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиши лозимлиги, ислом динида табақаланиш, хусусан, миллатларнинг бир-бирига паст назар билан қараши каби иллатлар қораланиши борасида амру маъруф айтиб келади.

Нафақат туманимизда, шунингдек, вилоятимизда ҳам кам сонли ички ишлар генерали унвонига сазовор бўлган инсонлардан бири — юридик фанлар доктори, ички ишлар генерал-майори, рақматли Матрасул ака Собировдек элдош инсонлар хотирасини ҳаммаша ардоқлаймиш. Ёшларимизни унингдек фидойи инсонларнинг шонли умр йўлидан ибрат олишга, юртимиздаги буюк бунёдкорлик ишларида қатнашишга даъват қиламиз.

Жорий йил 18 ноябрь куни транспорт ва логистика масалалари бўйича ўзбек-туркман ишчи гуруҳи учрашувида Ўзбекистон ва Туркманистон Президентларини ташрифлари доирасида ўзаро келишилган шартномалар ижросини таъминлаш учун бир қатор ўзаро чегара пунктларида халқаро юк ташишлар учун нейтрал зонада тиркама ва ярим тиркамаларни контакtsiz алмашиш йўли орқали ташкил қилиш бўйича синов ўтказилгани ҳақида хабарни ўқиб қолдим. Бу рўйхатда “Шовот–Дашогуз” чегара ўтказиш пункти ҳам бор. 25 ноябрдан бошлаб эса, санитария-эпидемиология қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, қатновларни қайта тиклаш кўзда тутилган. Негаки, пандемия туфайли деярли икки йил олдин бу йўллар вақтинча беркитилганди.

Туркменистоннинг Дашогуз вилояти Хоразм билан чегарадош. Аслида қадим қардошлиқ ришталари чегара билмайди. Асрлар давомида икки миллат вакиллари яқин қариндош, қўда-анда бўлиб келишган. Айнан сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувларга биноан ўзаро борди-келди, яъни чегарадан ўтиш ва қайтишда қатор қўлайликлар яратилди. Бу эса, ўзбекларни ҳам, туркманларни ҳам бирдек қувонтирди.

Утган гапга сайловда номзодим Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилди. Яшириб нима қиламан, ҳали сайловолди тарғиботи даврида “Ботирнинг сайловда ютиши қийин-ов? Муқобил қўйилган номзодлардан қолган тўрт нафар йўлбар билан бўлса...” деб қатла ўйланган ҳам, юртимизда давлатимиз раҳбари олиб бораётган адолатли сиёсат моҳиятини яхши англамаганлар ҳам бўлди.

Сайловда кўпчилик менинг номзодимни қўллаб овоз берди. Мана икки йилдирки, қонун чиқарувчи олий орданда фаолият юритиб келаман. Юртимизнинг келажаги — Учинчи Ренессанс даври учун зарур сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалар ривожини қўзғатган қонунлар ишлаб чиқишлишига оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Нега фахрланмай, ахир шу овоз ва обод элнинг тенг ҳуқуқи фарзандиман!



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



Ўзбекистон — Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ишончли ҳамкори

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтадиган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) ўн бешинчи саммитида иштирок этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг бундан аввалги саммити 2021 йил 4 март куни видео-анжуман шаклида ўтказилган эди.

Ўзбекистон ИХТга 1992 йил 28 ноябрь куни аъзо бўлиб кирган. Ташкилот Котибияти ва аъзо мамлакатлар Ўзбекистонни минтақадаги муҳим давлат деб билади ва республикамиз билан ҳамкорликини юксак қадрлайди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкорлари ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2020 йил янунларига кўра, Ўзбекистон ва ушбу мамлакатлар ўртасидаги савдо айланмаси 8,3 миллиард долларга тенг бўлди. Шу жумладан, экспорт 4,3 миллиард долларни, импорт эса 4 миллиард долларни ташкил этди.

ИХТ мамлакатлари инвесторлари иштирокида Ўзбекистонда 4,5 мингга яқин қўшама ва хорижий корхоналар ташкил этилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ИХТ билан ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. 2018 йилдан буён ташкилот раҳбарияти мамлакатимизга бир неча бор сафар қилган. Бош котиб Ҳади Сулаймонпур жорий йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” юқори даражадаги халқаро конференциясида иштирок этди. Ташкилотнинг янги бош котиби

Хусрав Нозирий 24 октябрь куни Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро қўзғатувчи сифатида қатнашди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон вакиллари ИХТ шафелигиде ўтказилаётган халқаро тадбирлардаги иштироки сезиларли даражада фаоллашди. Мамлакатимиз расмий делегациялари бош прокурорлар, денгиз ташкилотлари раҳбарлари, транспорт, туризм ва қишлоқ ҳўжалиги вазирлари, шунингдек, табиий қазилмалар бўйича экспертлар гуруҳи ва ветеринария ташкилотлари раҳбарларининг йиғилишларида иштирок этмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти минтақавий тузилма бўлиб, 1985 йил Техронда ташкил этилган. Бугунги кунда ташкилотга 10 та давлат — Ўзбекистон, Афғонистон, Озарбекистон, Эрон, Қирғизистон, Қозонистон, Тожикистон, Туркия, Туркменистон ва Покистон аъзо.

Ташкилотга аъзо давлатларнинг умумий аҳолиси 500 миллион кишидан ортиқ, давлатлараро савдо айланмаси эса 900 миллиард доллардан ошади. 2021 йил 13 августдан Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига Тожикистон вакили Хусрав Нозирий бош котиблик қилмоқда.

“Дунё” АА

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

КОНСТИТУЦИЯ — ПОРЛОҚ ҲАЁТИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗ АСОСИ



Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети профессори,
фалсафа фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, мазкур нормалар декларациянинг 27-моддасида назарда тутилган “**Ҳар бир инсон илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга**” эканига доир ва халққаро ҳамжамият томонидан тан олинган ҳужжатлардаги бошқа нормаларни ўзида ифода этганини алоҳида эътироф этиш керак.

Конституциямизда мустақамланган билим олиш ҳуқуқи ва илмий ижод эркинлигини таъминлаш борасида сўнгги беш йилда улкан, тизимли ва изчил ислохотлар амалга оширилаётганига ҳаммамиз гувоҳимиз.

Хусусан, 2017-2020 йиллар давомида илм-фан соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, бу борадаги қонунийликни замон талаблари асосида такомиллаштириб бориш, хусусан, илмий-тадқиқот ва илмий хизматлар кўрсатиш бўйича хусусий секторнинг салмоғини янада кенгайтириш, илмий ишланмалар ва янги гояларни ҳудудларда ишлаб чиқариш жараёнига тўғридан-тўғри жорий этишни назарда тутуви янги ҳуқуқий механизмларга асос солинди. Конституцияда “**давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилиши**” белгилангани муносабати билан, аввало, бу соҳаларнинг ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш борасида Президентимиз, парламентимиз, ҳукуматимизнинг машаққатли норма ижодкорлиги эътиборга лойиқ.

2017-2020 йиллар мобайнида мазкур соҳаларни ривожлантиришга қаратилган 100 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 3 та қонун, Президентнинг 50 дан ортиқ фармон ва қарори қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

“**Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида**”ги, “**Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида**”ги, “**Таълим тўғрисида**”ги қонунлар, Президентнинг 2020 йил 29 апрелдаги “**Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги, 2020 йил 29 октябрдаги “**Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида**”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги “**Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги фармонлари шулар жумласидандир.

Илм-фан ва таълим тизимини тубдан модернизлаштириш ҳамда соҳа вакилларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича жуда катта ишлар бажарилди. Хусусан, Фанлар академияси ва унинг таркибидаги институтларига “**янгидан ҳаёт бахш этилиши**” натижасида тизимдаги илмий муассасалар сони 20 тадан 35 тага етди. Академияга сайлов қайта тикланди. Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди, бир қатор инновация марказлари, илмий кластер ва технопарклар фаолияти йўлга қўйилди. Президентимиз эътироф этганидек: “**Илм-фан билан шугулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб**”. Шунинг учун ҳам ўтган беш йилда илм-фан соҳасини модернизлаштириш 4 баравар кўпайди. Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида уларнинг иш ҳақи 3 баравар оширилди. Фан доктори ва номзодлари учун алоҳида устама ҳақ белгиланди.

Ўзбекистондаги истиқболли ислохотлар ёшларнинг хорижда таҳсил олиш қўлами ортишида намоён бўлмоқда. Ўтган тўрт йил ичида 3 мингдан ортиқ йигит-қиз нуфузли халқаро университетларда таҳсил олиб келди. Улар бугун мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланишига ҳисса қўшмоқда.

Олдимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш мақсади турган экан, бунинг учун бизга замонавий илм ва унга ҳамоҳанг равишда тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар қатламисиз бу ниятларга эриша оlmaymиз. Зеро, таълим ва тарбия, уларнинг уйғунлиги масаласи ҳар қандай жамият ривожининг устувор йўналиши саналади. Юрт фаровонлиги, албатта, таълимнинг қанчалик ривожланганига боғлиқ.

Президентимиз яқинда Янги Ўзбекистон стратегиясини эълон қилди. Стратегиянинг етти йўналишдан тўртинчиси адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантиришнинг энг муҳим омили хисобланган сифатли таълим-тарбия, ўқитувчи ва тиббиёт ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалалари бугунги долзарб, кечиктириб бўлмайдиган йўналишлардан экани таъкидланди. Бу ҳар биримизнинг эртанги кунимиз ва тараққиётимиз билан боғлиқ вазифалар.

Эътироф этишимиз керакки, соҳада жуда катта истиқболли ишлар амалга оширилди. Хусусан, кейинги беш йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, жорий йилда 182 мингдан зиёд ёш учун талаба бўлиш имконияти яратилгани ва умумий қамров 4 йил аввалги 9 фоиздан 28 фоизга етказилгани, 2016 йили олийгоҳлар сони 77 та бўлган бўлса, 2021 йилда 141 тага етгани Ўзбекистон белгиланган мақсадлар сари дадил одимланаётганининг тасдиғидир.

Мамлакатимизда 2030 йилга қадар мактаб, лицей ва коллеж битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 50 фоизга етказиш режаси бу борада янада катта ишлар қилинишни аңглатади.

Президентимиз ўз нутқида таъкидлаганидек, бу ҳали ҳаммаси эмас. Қанчалик қийин бўлмасин, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилади. 2025 йилга бориб олий тоифали ўқитувчиларнинг ойлик маошини эквивалент ҳисобида минг долларга етказиш чоралари қўрилади. Демакки, Конституцияда белгиланган ҳуқуқларимиз изчиллик билан таъминланмоқда.

Айнан шу сабабли Конституциямизни улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга сўзсиз амал қилишимиз, аждодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига синдиришимиз зарур.

Биз интилаётган демократик жамиятнинг истиқболи, биринчи навбатда, демократик қадриятлар ҳар биримизнинг қалбимиз ва онгимиздан қай даражада чуқур ўрин олишига, бу қадриятларнинг нечоғлиқ асраб-авайланиши ва келажақ авлодларга етказилишига бевосита боғлиқ. Бу борада эса Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур аңглаб етиш, конституцион талабларга қатъий риоя этиш даркор.

Бугунги кунда юртдошларимизнинг нафақат билимини ошириш, балки улар қалбидан ва амалиётда мустақиллигимизни мустақамлаш билан боғлиқ демократик тафаккур ва янги гояларни қамол топтириш, уларни юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз тараққиётини аңлаш йўлида эзгу ишларга рағбатлантириш, одамлар онгу шуурида ҳаётимизнинг турли соҳаларидаги кенг қамровли демократик ислохотларга дахлдорлик, бунёдкорлик, келажакка ишонч ва шукроналик туйғуларини мустақамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Интеллектуал салоҳиятнинг юксак даражада ривожланиши халқнинг илмий маънавияти юксалишида ҳам улкан омилдир. Яна бир муҳим жиҳати — у миллий манфаатларни ҳимоя қилишда қудратли қурол вазифасини бажаради. Қолаверса, интеллектуал жиҳатдан илғор мамлакатда демократик қадриятлар ва кўникмалар барқарор ривожланади. Чунки интеллектуал бойлик билим, ақлу тафаккур, илм-фан салоҳияти билан бирга юксак маънавиятни ҳам ўз ичига олади.

Конституцияимизнинг 42-моддасида: “**Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳафозатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади**”, дейилган. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни изчил ривожланаётгани мисолида ҳам ана шу конституциявий қонданинг ҳаётимизга нечоғлиқ чуқур татбиқ этилаётганини кўриш, кузатиш кишига мароқ бағишлайди.

Нигоҳ

ФАРМОН ВА ИЖРО



ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА яна бир тарихий ҳужжат



Борий АЛИХОНОВ,
Олий Мажлис Сенати Оролбўйи
минтақасини ривожлантириш
қўмитаси раиси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу лавозимга сайланган илк йиллардаёқ Оролбўйи минтақасидаги мураккаб экологик вазиятти юмшатиш, унинг салбий оқибатларини бартараф этиш масаласига нафақат кенг жамоатчилик, айни пайтда бутун дунё эътиборини қаратиб, бу жабҳада улкан ислохотларга йўл очди. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 72 ва 75-сессияларида Орол денгизи инқирози чегара билмайдиган глобал экологик муаммоларни келтириб чиқарганини яна бир бор таъкидлаб, дунё ҳамжамиятини огоҳликка чақирди, қисқа муддатда аниқ ва тезкор ишлар билан жаҳон ҳамжамиятининг Орол муаммосига эътиборини, муносабатини ўзгартирди.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон ҳавфсизлиги бўйича қўшериқли Траст фонди ташкил этилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан Орол денгизининг қуриган тубида яшил ўрмонзорлар барпо этиш гоясини халқимиз катта мамнуний билан қарши олди. Бугунги кунда Оролнинг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш бўйича дунёда муқобили бўлмаган ишлар жадаллик билан олиб боришмоқда.

Президентимизнинг Оролбўйи минтақасига қилган ҳар бир ташрифи тарихий ўзгаришларни бошлаб бермоқда. Биргина, Қорақалпоғистон Республикаси мисолида олиб қарайдиган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 октябр кунги Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи ҳам республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, халқимиз турмушида туб ислохотларнинг, тарихий ўзгаришларнинг дебосаси бўлди, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва яратувчилик ишларини янада юксак поғонага кўтаришга мустаҳкам пойдевор яратди. Ушбу вазифалар асосида давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 ноябрда “2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилиниб, Қорақалпоғистон Республикасини 2020-2023 йилларда комплекс ривожлантириш дастурининг ишлаб чиқилгани фикримизнинг яққол далилидир.

Мазкур тарихий қарор Қорақалпоғистон Республикасининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқариш ва инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ҳудудда муҳандислик-коммуникация, иқтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураларини яхшилаш, иқтисодий тarmoқларини барқарор ривожлантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш борасидаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Қарорга мувофиқ, ҳар бир шахар ва туман имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, “ўсиш нуқталари” белгиланди. Тадбиркорлик субъектларига ер солиғи, мол-мулк солиғида овоз қилиш каби қатор имтиёз ҳамда энгилликлар тақдим этилди.

Бугун шу қарор ва қабул қилинган дастурлар асосида қатор инвестиция лойиҳалари ишга туширилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Экспорт ҳажми, экспорт қилувчи корхоналар сонини

ошириш ҳамда экспортга йўналтириладиган маҳсулотлар турини кўпайтириш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш, шароити оғир бўлган маҳалла ва овулларда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва ҳудудларни ободонлаштириш, аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, 2021 йил 18 май кунги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Президентимиз тақлифига биноан, Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 29 июль кунги ушбу резолюцияни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиниб, “йўл харитаси” тасдиқланди. Ушбу ҳужжатларда Оролбўйи минтақасига иқтисодий тармоқларида ресурс тежовчи ва юқори самарага эга замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш, экологик барқарорлиқни таъминлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказиш ва илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, шунингдек, халққаро ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрда қабул қилган “Оролбўйи минтақасида тадбиркорлиқни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётган ана шундай



эзгу ишларни янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида яна бир муҳим тарихий ҳужжат бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимиз шу йил 20 август кунги мамлакатимиз тадбиркорлари билан ўтказган очиқ мулоқотида тадбиркорлар кейинги йилларда иқтисодий таъминот ва ислохотларимиз таянчига ҳамда локомотивига айланганини таъкидлаб, уларнинг фаолиятига юксак баҳо берди. Барчамиз биламизки, локомотив жойидан қўзғалиши, йўлида давом этиши учун унга катта куч, энергия, энг асосийси, мустаҳкам рельслар керак. Шу маънода айтиш жоизки, тадбиркорларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик уларга куч ва энергия бағишлаётган бўлса, янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли улар учун ана шу мустаҳкам рельс вазифасини бажармоқда.

Учрашувда тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, тизимли муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари муҳокама қилиниб, тадбиркорларнинг тақлифлари, уларнинг мурожаат ва муаммолари тингланди. Юртимизда тадбиркорлиқни янада ривожлантириш борасида бир қатор ҳаётбахш режа ва вазифалар белгилан берилди. Энг долзарб муаммолар тизимлаштирилиб, уларни ҳал этишга қаратилган 7 та муҳим йўналиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилгани, бу борада бир қатор имкониятлар, қулайликлар яратилиши тадбиркорларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада оширди. Ушбу очиқ мулоқот доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган мазкур фармон билан қатор устувор ва аҳамиятли вазифалар илгари сурилган. Жумладан, 2031 йил 1 январгача Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларидаги тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, иқтимоий солиқ, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича ўрнатилган солиқ ставкалари 1 фоиз, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган суммадан 1 фоиз миқдоридан белгилаб қўйилди.

2025 йил 1 январгача Хоразм вилоятининг Тупроққалъа, Янгимарик, Янгибозор туманларида янги ташкил этиладиган ва шу туманларда рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатадиган тадбир-

корлик субъектлари бўйича фойда солиғи, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилмоқда. Улар томонидан белгиланган тартибда шақллантириладиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, ўз ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) эҳтиёжлари учун олиб қириладиган хомашё, материаллар божхона божидан озод қилинмоқда. Вилоятда янги барпо этилаётган боғлар, тоқзорлар ва тутзорлар эгалаган ерларга, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш бўйича имтиёзли давр беш йил эtib белгиланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган инвестиция лойиҳалари қиймати камидан 50 миллиард сўм миқдоридан белгиланди.

Хоразм вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган 98 та маҳалла учун 2022–2026 йиллар давомида оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида “маҳаллабанд” ишлаш тизимини жорий этиш мақсадида 200 миллиард сўм, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш ва жалб қилиш лойиҳаларини

амалга оширадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллиард сўм миқдорда кредит ресурслари ажратилиши кўзда тутилди. Ўзбекистон Республикаси бюджетини ҳисобидан инфратузилмани ривожлантириш учун 150 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгилаб қўйилди.

Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан 2022 йил 1 январдан 2027 йил 1 январгача Оролбўйи минтақасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларига корхона қурилиши учун зарур бўлган асбоб-ускуна ва техникаларни республиканинг бошқа ҳудудларидан олиб келиш ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган юқори қўйилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишда уларнинг касбий денгизигача ташви билан боғлиқ транспорт харажатларининг тўлиқ қоплаб бериш кўзда тутилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида 45 та ва Хоразм вилоятда 40 та янги кичик саноат зоналарини белгиланган тартибда ташкил этилиши белгилаб қўйилган.

Ушбу фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига фармон ижроси юзасидан ахборотларни эшитишни ташкил этиш, шу жумладан, амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар қўриб бориш тавсия этилди.

Олий Мажлис Сенати, жумладан, унинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш қўмитаси томонидан бу борада зарур чора-тадбирлар бошлаб юборилди. Жумладан, фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли, айниқса, тадбиркорларга етказиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, унинг ижроси юзасидан ташкирчан парламент назоратини ўрнатиш масаласида амалий ишлар олиб боришмоқда.

Фармон билан белгилаб қўйилган вазифаларнинг ижроси Оролбўйи минтақасида тадбиркорлиқни янада ривожлантириш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосида аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиш шубҳасиз.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА



Усмонали НОРМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Отлар яна кишнай бошлади

Халқимизда “От йигитнинг йўлдоши” деган гап бор. Шу боис, сурхондарёликлар отни жуда сўяди ва қадрлайди. Чунки ота-боболаримиз азатдан олис-яқин манзилларга отда борган, уни содик ва вафодор дўст билган. Бугун ҳам ўша анъана давом этапти. Қишлоқлардаги кўп хонадонлар бостирмаларида энг камида бир бош, баъзиларида икки-уч бош от боқиш одат. Бу одамларнинг учқур тулпорларга меҳри баландлигидан дарак беради. Яна шуни айтиш мумкинки, номдор чавандозлар машина олмаса олмайди, лекин от харид қилади. Отни хонадоннинг баракаси, деб эътироф этади. “Оти бор хонадондан кут-барака аримайди” дейишларида ҳам жон бор. Чопқир, учқур, эпчил отлар ҳақида бахшлар, оқиллар дostonлар ва термалар куйлаши бeжиз эмас.

Президентимиз шу йилнинг июнь ойида Сурхондарёга ташрифи чоғида келгуси йил йилқичилик каби миллий қадриятларимиз асосида Наврўз сайли Сурхондарёда ўтказилади, деганидан сўнг от асрамайдиغانлар ҳам хонадонидан от боқа бошлады.

Отга ҳавасманд киши борки, то 2000 йилгача Термиз туманидаги Отчопар массивига тез-тез бориб турарди. Сабаби, бу жойда узок йиллар вилоят касаба уюмчалари ташкилоти тасарруфида бўлган, сўнг вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ихтиёрига ўтказилган от спорт мактаби фаолият кўрсатарди. Мактабнинг 30 бошдан зиёд чопқир оти бўлиб, мураббийлар кўнора от йўрттириш, тўсиқлардан сакратиш ва учкураш машқларини бажаришган. Одамлар эса, отларнинг жозибдор ҳаракати ва чавандозларнинг маҳоратини соатлаб томоша қиларди. Мураббийларнинг болаларга отни эпчиллик билан бошқариш ва тўсиқлардан сакратиш сирларини ўргатиши ҳам жуда қизиқарли кечарди.

От спорт мактаби вилоят касаба уюмчалари ташкилоти тасарруфида бўлган. 1980-1988 йилларда Отчопарда жуда кўп мусобақалар ўтказилган. Ҳар бир байрамда отларни тўсиқлар оша сакратиш мусобақалари, чавандозлар ўртасида пойғалар ва 1-4 километрга марафонлар бўларди.

Сурхондарёнинг таниқли чавандозларидан бири Туроб Мамашуқов директор бўлган кезлар мактабда кўплаб отшунос мутахассислар ва тренерлар жамланган. Отчопарда мутахассислар завқ билан меҳнат қилиши ва болаларга от спорт сирларини ўргатиши, уларнинг маҳоратини ошириши учун қўлай шaroитлар яратилганди. Отхоналарда Германия, Швеция, Англиядан келтирилган чопқир ва зотли отлар парваришланар ҳамда бот-бот мусобақалар ташкил қилинади.

От спортга алоҳида эътибор берилгани боис, мактаб чавандозлари орасидан ака-ука Исоқ ва Холмидин Содиковлар бир неча бор Ўзбекистон чемпионли бўлишган, ёш чавандозларнинг бир нечтаси sobиқ СССР халқлари спартакиадаси ғолибига айланган. Йиллар ўтган сайин мактабда от спорт буйича эпчил ва аъжир чавандозларнинг янги авлоди камол топди. Жумладан, Шўҳрат Мустарамов бир неча бор Ўзбекистон чемпиони бўлди ҳамда



1990 йили Тошкентда ўтказилган жаҳон чемпионати шoҳсўпасидан ўрин эгаллади. 1989-1990 йилларнинг баҳору кузида Термиздаги Отчопарда икки-уч марта от спорт буйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилгани кечagидек ишқибозларнинг ёдида.

Тўқсонинчи йилларнинг бошида воҳодаги от спорт мактабига эътибор сусайган, таърибали мутахассислар ҳар томонга кета бошлады. Сифатли озуқа ажратилмагач, энг сара ва чопқир отлар касалланди. Шунда ҳам от спорт мактабининг фидойиси Валерий Чекалин бу жойни тарк этмади, шaroитлар яхшиланишига умид қилиб кутди. Аммо Отчопардан барака кетган, бу ерлардан кўчиб кетди. Отчопар эса, отларсиз ҳувиллаб қолди.

Президентимизнинг 2021 йил 5 августдаги “Сурхондарё вилоятида қорабайир зотли отларни етиштириш ва оммалаштириш ҳамда от спорт

турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан сўнг вилоятда сезиларли ишлар амалга ошириляпти.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозир вилоятнинг барча тоифадаги ҳўжаликлари ва шахсий хонадонларда 14865 бош от парваришланаётган бўлса, шунинг 70 фоизи қорабайир зотли отлардир. Наслчилик ишларини янада кучайтириш орқали бу зотли отлар бош сонини кўпайтириш, от спорт мактабларига гамҳўрликни кучайтириш, биринчи навбатда, жониворларни сифатли ем-хашак билан таъминлаш учун шарoит яратиш, от спорт маҳорат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш буйича вилоят ҳoқимлиги, Ўзбекистон Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти бошқармаси, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорт ҳамда Ўзбекистон улоқ-кўпқари федерациялари ҳамкорлигида қорабайир зотли отлар наслчилигини яхшилаш ва оммалаштириш буйича йўл хариталари ишлаб чиқилиб, кўплаб чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Термиз туманидаги Янгиобод маҳалласи ҳудудида жойлашган отчопарнинг 64,6 гектар ер майдони бино ва иншоотлари билан бирга, Ўзбекистон Миллий гвардияси тасарруфига ўтказилди ҳамда миллий гвардия ҳузурида Қорабайир зотли отлар маҳорат мактаби ташкил қилинди.

— Мактабга мураббийлар, от парваришловчи, уста чавандоз, тақачи, отхона бошлиғи, зоотехник, ветеринар шифокорлардан иборат жами 50 нафар мутахассис жалб қилинган, — дейди мактаб директори, подполковник Маматқул Жумаев. — Улар Термиз шаҳри ва Термиз туманидан от спортга ҳавасманд мактаб, коллеж ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабаларидан иборат 84 нафар ёшга чавандозлик сирларини ўргатмоқда. Мутахассисларнинг барчаси от спорт сирларини пухта билди. Масалан, Фурқат Мустарамов ёшлик даврини отчопардаги отлар орасида ўтказган, десак муболага бўлмайди. У акаси, моҳир чавандоз Шўҳрат Мустарамовга эргашиб, бир неча йил от спорт билан шугулланган, чопқир отларни тўсиқлардан сакратиш буйича Ўзбекистон чемпиони.

Ҳозир отчопарга Фаргона вилояти, Ёзёвон туманидаги “Олтин кўл” фермер ҳўжалигидан қорабайир зотига мансуб 10 бош бўғоз бия ва беш бош қўлуни бия келтирилиб, парваришланаяпти. Йил охиригача Қашқадарё вилоятининг Яқкабoғ туманидаги насли от заводидан яна 20 бош қўлун, той, ғунон, дўнон ва айғир келтирилади. Шунингдек, мактабда қорабайир зотли отларни кўпайтириш мақсадида вилоят ҳўжаликларидаги зотли отлардан танлаб ва саралаб олинади.

Мактабда жониворларнинг озуқа базасини яратишга доир ижобий ишлар бошланган. Сурхондарё вилояти ҳoқимлиги амалий ёрдами билан Қорабайир зотли отлар маҳорат мактабидagi отларни сифатли ем-хашак билан таъминлаш учун Термиз туманидаги Солиобод маҳалласининг Ҳўжакамол

массивидан 100 гектар сугориладиган ер ажратилди. Даланинг 77 гектарига арпа, 2,5 гектарига сабзи ҳамда 20 гектарига беда экилди. Экинлар парвариши таърибали деҳқонлар зиммасига юклатилди.

— От ҳўшёр ва ўта сезгир. Озуқанинг сарасини танлаб ейди, — дейди Маматқул Жумаев. — Озуқа рационига кўра, бир бош от кунига 7 килограмм беда пичани, 4 килограмм табиий пичан, 2 килограмм арпа, 4 килограмм сули, 1,5 килограмм бўғдой кeпаги, 2 килограмм сабзи ва бошқа турдаги озуқани витаминлар билан озиқланади. Бу масалада муаммо йўқ. Чунки далада етиштирилаётган арпадан юқори ҳосил олиб, эҳтиёждан ортиқчасини бошқа маҳсулотларга айирбошлаймиш. Шунингдек, арпадан бўшайдиган майдонда бошқа донли экинлар етиштирилади.

Айтиш керакики, Қорабайир зотли отлар маҳорат мактаби ҳудудида жониворларни сақлаш ва парваришлаш учун қўлайликлар яратишга ҳам эътибор берилляпти. Эски отхоналар ёнида янги-янгилар барпо этилмоқда. Бундан таъқари, киши ва ёзги бостирмалар қўрилмоқда. Отларни йўрттирадиган манеж, томошабинлар учун икки томонлама ўриндиқлар, отларни қўмилтириш ва қўритишга мослашган бассейнлар, 5,6 километрли йўрттириш йўлагини бунёд этилмоқда. Маҳаллий бюджетдан 5 миллиард сўм ажратилиб, барча турдаги от анжомлари харид қилинди. Устоз чавандозлар ва мураббийлар ёшларга от миниш, от билан муомала қилиш, тўсиқлардан сакратиш машқларини ўргатмоқда. Чунки қарорда белгиланганидек, Наврўз умумхалқ байрами арафасида вилоятда қорабайир зотли отлар иштирокида халқроқ чавандозлик мусобақаси ўтказилади.

Қарор ихроси юзасидан вилоят шаҳару туманларида қорабайир зотли отлардан фойдаланишга ихтисослашган тўғарақлар ташкил қилинди. Келгусида бу тўғарақлар вакиллари билан Қорабайир зотли отлар маҳорат мактаби чавандозлари ўртасида турли мусобақалар ўтказилади. Шўҳасиз, бу беллашувлар ёшларнинг маҳорати ўсишига хизмат қилади. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда вилоят туризм ва спорт бошқармаси билан ҳамкорликда жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсон бор болаларни кенг жалб қилиш, одамларни асаб тизими касалликларидан халос этиш мақсадида Иппотерапия маркази ҳамда туризм маҳкамада зарур инфратузилмани яратиш буйича “Йўл хариталари” тайёрланмоқда.

Жорий йил ноябр ойидан бошлаб Сурхондарё вилояти ҳoқимининг баённомасига асосан, Қорабайир зотли отлар маҳорат мактаби раҳбарияти ташаббуси билан “Сурхондарё вилояти қорабайир зотли отлари” ширини остида жойларда улоқ-кўпқари мусобақалари ўтказилляпти ҳамда ёш чавандозларнинг маҳорати ошириляпти.

Вилоятда қорабайир зотли отларни кўпайтириш буйича қилинаётган ишлардан кўпчилик мамнун.

— Хонадонимизда қарийб эллик йилдирки, от келди. Оиламизда отга меҳр авлоддан-

авлодга ўтиб келяпти. Отам Ғўра Ҳўжакелиев мустақиллик даврида тадбирқорликни бошлади. Бир неча дўкон ва ресторон эгаси бўлса ҳам кўпчилик отамни мулкдор деб билмайди, лекин “Тўра чавандоз” деса ҳамма танийди, — дейди Сурхондарё вилояти Улоқ-кўпқари федерацияси раҳбари, моҳир чавандоз Одил Холматов. — Чунки отам узoқ йиллар тўйларда, сайларда, байрамларда кўпқарида қатнашган. Қайси манзилда улоқ-кўпқари бўлаётганидан хабар топса бас, олис-яқинлигидан қатъи назар, эринмай борар ва тулпор оти билан ғолиб бўлиб қайтарди. Ота касбинини фарзандлар давом эттиряпмиз. Ҳозир хонадонимизда 4 бош от бор. Укам ҳам, мен ҳам улоқ-кўпқари мусобақаларидан сира қолмаймиш. Чунки бизга чавандозлик ота мерос касб.

Президентимизнинг қорабайир зотли отларни кўпайтириш тўғрисидаги қарори, айниқса, чавандозларни ғоят шодлантирди. Бугун Шўрчи туманида ҳам от боқишга талабгорлар янада кўпайган. Тўйларда, байрамларда ўтказилаётган кўпқари мусобақаларида фаол қатнашиб, арзирли солимларни эгаллаб қайтаяпмиз. Туманимизда ташкил қилинган тўғарақка тез-тез бориб, ёшларга от миниш, улоқ чопиш сирларини ўргатаяпмиз.

— Инсон борки, бирор соҳа ривожига ўз ҳиссасини қўшади. Аммо сени кўлаб-қувватлашмасан, бажарган ишларини қадрламаса, қўлинг ҳам, қўнлинг ҳам совиб кетаркан, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг sobиқ раиси Холбoй Ҳуррамов. — Ўтган аср охирида отчопардаги спорт мактаби спорт қўмитаси тасарруфига ўтказилгандан кейин соҳани ривожлантириш учун мутахассисларимиз билан жуда кўп меҳнат қилдик. Бирок жониворларни сифатли озуқа билан таъминлашга эътибор сусайгани учун чопқир отларнинг асосий қисми касалланди. Натижада мактаб фаолияти туғди.

Президентимизнинг қарори билан танишиб, жуда мамнун бўлдим, от спорт вилоятда яна жонланишига ишонч пайдо бўлди менда. Давлатимиз раҳбари қайси тизимга эътибор бераётган бўлса, шўҳасиз, шу соҳа ривожланаяпти. Қорабайир зотли отларни кўпайтириш ва от спортини ривожлантириш ҳақидаги қарор, бир сўз билан айтганда, тарихий ҳужжатдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Президентимизнинг юқоридagi қарори тўғрйли Сурхондарёда от спорт изга тушади ва чавандозларнинг олдинги шўҳрати тикланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан ҳам жойларда йилқичилик ҳамда от спортини оммалаштириш, қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш вазифалари белгиланган. Бу қарор ихроси ҳам республикамизда жадал амалга оширилмоқда.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТДАН ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРГАЧА



Амир ОМОНОВ,
қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор

Глобал исиш ва иқлим ўзгаришлари дунё микёсида долзарб масалага айланиб улгурди. Бу муаммо барча океан ва қитъалардаги табиий тизимларда сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлиб, озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, 2016 йилдан 2035 йилга қадар сайёраимизда ҳарорат тахминан 0,7 даража, 2081 йилга бориб эса, 1986-2005 йиллардаги кўр-

саткича нисбатан қарийб 2 даража кўтарилиши кутилмоқда. Бунинг таъсирида 2050 йилга бориб, маккажўҳори, гурuch ва бўғдой етиштириш ҳажми 25 фоизгача қисқариши баъорат қилиняпти. Жаҳон микёсида бошоқли дон экинларини етиштиришда занг касалликлари, иссиқлик ва қурғoқчилик, сув танқислиги каби омиллар хавф туғдирмоқда.

Бундай ноҳуш вазият мамлакатимиз иқлим шарoитида ҳам кузатилмоқда. Жорий йилдаги экстремал шарoит, ҳароратнинг кўтарилиши натижасида бўғдойнинг маҳаллий хисорак, шамс, шўкрона, қраснодар навларига ҳосилдорликка нисбатан потенциал 20-25 фоизга, бошқа, айниқса, Россиядан келтирилган навларда эса ҳосилдорлик 40-50 фоизгача камайгани кузатилди.

Республикада кейинги беш йилликда илм-фан, илмий-тадқиқот соҳаларидаги давлат дастурлари, Президентимиз ҳамда ҳукумат фармон ва қарорлари асосида стратегик йўналишлар белгилаб берилиши, ҳаётга изчил татбиқ этилиши бу каби масалалар ечимида муҳим дастурламал бўлмоқда.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан барча соҳада, жумладан, қишлоқ ҳўжалигидаги глобал мавзулар, замонавий илм-фан ютуқлари, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида тайёрланган лойиҳаларни молиялаштиришга катта эътибор қаратилаётгани соҳа ривожидида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги қарори билан ташкил этилган Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти олимларининг ҳам бир қанча лойиҳалари ана шундай маънавий кўмак асосида ҳаётга татбиқ этиляпти.

Шундай лойиҳалардан бири “Бўғдойнинг занг касалликларига қарши кура-

шиш 3D харитасини тузиш ва уларга қарши курашнинг янги технологиясини яратиш” бўлиб, мазкур тадқиқотни молиялаштириш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан маблағ ажратилди. Лойиҳа доирасида вилоятлар ва ҳудудларо кесимида занг касаллиги тарқалишининг харитасини тузиш, занг касаллигига чидамли навлар яратиш, ҳудудларо патоген миграцияси, ирқлари ва уларнинг шаклланиши, чидамлилик генлари таҳлилини ўрганиш, бўғдойнинг сариқ занг касаллигига чидамли навларини яратиш буйича селекция ишларини амалга ошириш мақсад қилиб олинган.

Таҳлилларга кўра, юртимизда кейинги 10 йилда кузги қомшоқ бўғдой навларининг сариқ занг касаллиги билан зарарланганини кўзатиш мумкин. Ушбу касалликка қарши фунгицидларни селиш учун гектарига ўртача 150-200 минг сўм маблағ сарфланади. Мавсум давомида 3 марта касалликка қарши ишлов берилса, ҳар бир гектар майдон учун 600 минг сўм маблағ ортиқча сарф бўлади. Биргина Қашқадарё вилоятида экиладиган 140 минг гектар майдонга 3 марта фунгицид селиш натижасида, сарф-харажатлар 84 миллиардни ташкил этади. Янги лойиҳа шу каби муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Тадқиқот натижасида республикада илк бор бўғдойнинг занг касалликларини аниқлаш 3D MAX дастури орқали хариталанаяди. Бунда, касаллик аниқланган ўчоқ майдонлар Drop ёрдамида тасвирга олиниб, GIS технологияси асосида сунъий йўлдош орқали касаллик ҳамда унинг миграциясининг 3D харитаси тузилади. Бу касаллик пайдо бўлишини олдиндан баъорат қилиш, илк намунасини аниқлаш асосида унга қарши курашиш, ортиқча сарф-харажатларнинг олдинги олиш имконини яратади. Шунингдек,



касалликлар тушган кучли-кучсиз майдонлар аниқланади, навлар таҳлил қилинади ва чидамли навларни тўғри жойлаштиришга эътибор қаратилади.

Институтда қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштиришда ресурс тежамкор технологияларни қўллаш, No-till усулида экин етиштириш, ёмғирлабтиб сугориш, баҳорги бўғдой навларини яратиш ва етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш, турли иқлим шарoитларида чидамли донли, дуқакли, ем-хашак ва мойли экинларни яратиш, тупроқ унумдорлигини ошириш буйича дала таъриблари, лаборатория таҳлиллари асосида тадқиқотлар ҳам амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган тадқиқотлар, илмий изланишлар натижасида 30 дан ортиқ сугориладиган ва лалмикор майдонлар учун бўғдойнинг янги навларини яратиш, кенг майдонларга экиб келинляпти.

Ҳар бир амалий иш замирини молиявий таъминот ташкил этади. Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги “Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тақомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида илмий тадқиқот институтлари ходимларининг иш ҳақи, докторантлар степендииси ошганлиги илмий-тадқиқотларнинг микдор ва сифат жиҳатдан юқсалишига замин яратди.

Институтда илмий тадқиқотлар 2008 йилда бошланган бўлишига қарамай, 2017 йилга қадар илмий кадрлар тайёрланмаган. Сўнгги беш йил давомида эса 3 та қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, 15 та қишлоқ ҳўжалиги фанлари буйича фалсафа доктори тайёрланди ва айни пайтда докторантура бўлимида 26 нафар ёш докторант тахсил олмақда. Ана шу ютуқлар асосида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан келгуси йил учун селекция ва уруғчилик, ўсимликшунослик, ўсимликларни ҳўмова қилиш докторантура йўналишида 20 та квoта ажратилди.

Жамоа олимлари томонидан соҳани ривожлантиришга ихтисослашган ICARDA, CYMMIT, FAO халқаро марказлари, Австралиянинг Сидней, Германиянинг Бонн университетлари, Туркия, Кения, Грузия, Қозоғистон, Озарбайжон ва Украина қишлоқ ҳўжалик фанлар ака-

демиялари билан халқаро ҳамкорлик йўлига қўйилган. Филиалнинг 15 дан ортиқ тадқиқотчилари соҳа буйича Туркия, АҚШ, Мексика, Марокаш, Хитой, Украина ва бошқа кўплаб мамлакатларда замонавий галла селекцияси, уруғчилик ва уруғшунослик йўналишида малака ошириб келди.

Олимларимиз томонидан занг касалликларига чидамли навларни яратиш борасида Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти, совуққа чидамли навларни яратиш борасида Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти, иссиқлик ва қурғoқчиликка чидамли навларни яратиш буйича Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти олимлари билан илмий-тадқиқот ишлари олиб бoрилмоқда. Янги ишланмаларни жорий қилишда Тошкент вилоятидаги AgroVER, Андижон вилоятидаги Хантекс, Жиззах вилоятидаги Selvir leave М-ЧК агрокастастерлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Жорий йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан қишлоқ ҳўжалиги экинлари янги навларини яратиш ва етиштиришда замонавий агротехнологияларни қўллаш борасида бир қанча фундаментал ва амалий лойиҳалар молиялаштирилди. Иқлим ўзгариши, сув танқислиги, қурғoқчилик ҳамда касалликларга чидамли қишлоқ ҳўжалиги экинлари навларини яратиш борасида ҳам илмий-тадқиқот институтларига давлат грантлари ажратилишига амалий ёрдам бeриб келинмоқда.

Бу каби саъй-ҳаракатлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалигида янги лойиҳаларни амалга ошириш, юзага келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги ва бунга таъсир этувчи омилларга қарши самарали курашишга хизмат қилади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун дунёда интеллектуал салоҳият махсули бўлган гоё ва инновациялар бежиз қадрланмаяпти. Зеро, ҳар қандай илм-фан янгилиги бевосита мамлакат иқтисодий тараққиётига хизмат қилади. Жумладан, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён шаклида амалга оширилаётган ижодий меҳнат — стартапларга эътибор қардаки катта бўлса, шу ерда тараққиёт янада юқори даражага кўтарилмоқда. Чунки ўзини оқлаган стартаплар ўша соҳани анъанавий бизнесга қараганда тезроқ ривожлантиради ва янги иш ўринлари яратди. Шунинг учун стартаплар ва уларни ярата оладиган янгича фикрловчи интеллектлар бугунги кунда ҳамма жамият учун зарур.

СТАРТАП НИМА ЎЗИ?



Унинг ўзига хослиги нимада? Ҳар қандай иш-тиқиболли уриниш бу атамга мос келадими? Уни шакллантириш ва ривожлантириш мамлакат иқтисодиётига қай даражада таъсир этади? Стартап — эндигина бошланаётган, ишга туширилаётган инновацион лойиҳа демакдир. Стартап муаллифи фаолияти ва мутахассислигига кўра, нафақат тадбиркор, ҳатто талаба, муҳандис ёки иқтисодчи ҳам бўлиши мумкин. Инновацион лойиҳани тўлақонли бизнесга айлантираётганлар орасида тадбиркор ва илмий ходимлар учрайди. Лекин баъзида стартап бир киши томонидан яратилиб, ишлаб чиқариш билан ҳам, ўз махсулотини илгари суриш билан ҳам ўзи шугулланади. Мухтасар айтганда, стартап — бу илгари мавжуд бўлмаган бизнес лойиҳаси. Ҳар қандай стартап гоёси янгилик, янги маҳсулот, янги технологиялар ва илгари амалиётга татбиқ этилмаган фаолиятга асосланади. Инновацион гоё, ноанъанавий бизнес, юқори технологик ечимларга асосланганлик, бозордаги потенциал талаб, инвестицион жозибадорлик, ўсувчанлик, жамоавий қадриятлар — ҳар бир иштирокчи ўз ихтисослашуви доирасидан чиқиб, умумий иш учун ҳисса қўшишга тайёр бўлиши бунда асосий мезон ҳисобланади.

ДУНЁДА

Index Ventures халқаро венчур капитал фирмаси томонидан тузилган рўйхатда АҚШ, Канада, Австралия, Франция, Буюк Британия, Португалия, Польша, Италия ва Швеция стартаплар учун шароитлар муттасил яхшилаётган давлатлар қаторига киритилган. Айниқса, Буюк Британияда жаҳон миқёсида эътироф этилган ишбилармонлик муҳити мавжуд бўлиб, доимий равишда стартапларнинг ўсиши рабатлантириб боришмоқда. Буюк Британиянинг стартап экотизими улкан бозор имкониятларини тақдир этади. Чунки мамлакат бозори ўзгаришларга тез мослашадиган технологияга асосланган тузилишга эга, бизнес қилиш осон. Кўпгина йирик халқаро компанияларнинг глобал ёки Европа бўйича қароргоҳи Буюк Британияда жойлашган.

БРИТАНИЯНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ СИРИ НИМАДА?




Буюк Британиянинг географик жойлашуви, қўлай шароит каби қатор омиллар уни истеъдодлар ва имкониятлар учун идеал учрашув жойига айлантирган. 2010 йилдан буён Британия ҳукумати томонидан мамлакатда стартап экотизимини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича бир қанча чоралар амалга оширилди. Лондонда Tech City ташкил қилинди, тадбиркорлар ва инвесторлар учун катта солиқ имтиёзлари жорий этилди. Буюк Британия Европанинг технология ва инновация маркази сифатида шаклланиш учун 2012 йилда амалдаги даромад солиғи ставкасини 50 фоизгача, 2014 йилда корпоратив солиқ ставкасини 22 фоизгача камайтирди. Бунинг натижасида у дунё миқёсида иккинчи ва Европада стартап экотизими шаклланган етакчи мамлакатлардан бирига айланди. Лондон эса, технологик инвестициялари. Силикон водийсидан кейин энг кўп молиялаштирадиган инвестицион ҳудуд ва стартап экотизими ривожланган ТОП-5 шаҳарлар сирасига қиради. Ушбу давлатда 250 дан ортиқ бизнес инкубатор ва 200 га яқин акселератор фаолият юритади. Мамлакатда умумий стартаплар сони 2015 йилда 608 110 та бўлган бўлса, 2021 йилга келиб, бу кўрсаткич қарийб 672 000 тага етган. Мавжуд стартапларнинг 19 фоизга яқини муваффақиятга эришган, 217 таси “юниқорн” (unicorn (юниқорн) — активларининг капиталлашуви 1 миллиард АҚШ долларига етган компания) даражасига етган. “Forbes” таҳлилий маълумотларига кўра, яна 126 та компания ана шундай юқори потенциалга эга бўлиши кутилмоқда. Буюк Британияда технология сектори мамлакат иқтисодиётидан 2,6 баробар тез ўсмоқда. Компаниялар ҳар йили миллиардлаб фунтлик венчур капитал қўйилmalarини олади. Биргина 2020 йилнинг ўзида Британиянинг инвестиция фондлари томонидан технологик компаниялар 11,2 миллиард фунт капитал билан молиялаштирилган. Шунингдек, 2019 йилдан Sturgeon Capital инвестиция фонди томонидан Ўзбекистондаги IT Park 3 та стартапи учун 4 миллион фунтлик венчур капитал киритилган. Ҳозиргача Буюк Британияда қиймати 92 миллиард долларлик стартаплар молиялаштирилган бўлиб, улар, асосан, молиявий технологиялар (Fintech) ва таълим технологиялари (Edtech) соҳаларига йўналтирилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА




Мамлакатимизда ёшларнинг иқтисодиётимизга наф келтирадиган ҳар қандай гоёси ва салоҳиятли янгилиги эътибордан четда эмас. Бу борада тизим мавжуд — Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офиси, Илм-фани молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Илгор технологиялар маркази, Ёшлар технопарклари, Ёшлар академияси, “Яшнабод” инновацион технопарки, шунингдек, “UzVC” миллий венчур фонди фаолият юритмоқда. Буларнинг бари стартапларни тижоратлаштириш учун инвестицияларни жалб этиш, молиялаш, ишланмаларни танлаш, халқаро кўргазмалар ташкил этиш сингари ва яна бир қанча вазифаларни амалга оширувчи тизимдир. — Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2019-2021 йилларда жами 90 та стартап лойиҳа танлов асосида молиялаштирилган, — дейди вазирлиқнинг Стартап экотизимини шакллантириш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Азиз Илҳомов. — Улар қаторида соғлиқни сақлаш соҳасида 18,7 миллиард сўмлик 20 та, ахборот технологиялари соҳасида 14,5 миллиард сўмлик 18 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 14,1 миллиард сўмлик 22 та, транспорт ва энергетика соҳасида 9,6 миллиард сўмлик 11 та, қурилиш соҳасида 4,5 миллиард сўмлик 7 та, озиқ-овқат соҳасида 3,3 миллиард сўмлик 5 та, машинасозлик, таълим ва бошқа соҳаларда 5,6 миллиард сўмлик 12 та стартап лойиҳа бор. Уларнинг умумий қиймати 70,3 миллиард сўмни ташкил этади. Ушбу лойиҳалар орқали ҳозиргача 674 та янги иш ўрни яратилди. Таъкидлаш жоизки, улар орасида нафақат маҳаллий бозорга мўлжалланган, балки экспортга йўналтирилаётган лойиҳалар ҳам кўп. — Толинамбурдан шифобахш биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтириш лойиҳасини ишлаб чиқарман, — дейди “PARADISE FLORA” маҳсуляти чекланган жамият директори Зилола Мўминжона. — Лойиҳанинг асосий мақсади юртимизда етиштирилаётган ва табиий ҳолда ўсувчи 50 дан ортиқ турдаги доривор ўсимликлардан инсон организми учун зарур бўлган витаминлар, макро ва микроэлементлар



асосида 14 та биологик фаол қўшимча ишлаб чиқаришди. Тайёр махсулотнинг асосий қисmini экспортга йўналтириш ва қолган қисmini озиқ-овқат корхоналари, махсус даволловчи марказлар, санаторий, мурувват уйлари ҳамда фитобарларга талабнома асосида етказиб бериш мўлжалланган. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 1 миллиард 382 миллион 600 минг сўм талаб этилди. Бунинг 646 миллион 600 минг сўми Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилди, қолгани “PARADISE FLORA” корхонаси ҳисобидан қопланди. Корхонада 20 та доимий ва 30 дан ортиқ мавсумий иш ўрни яратилди. Ҳозир корхона махсулотлари Латвия ва Россияга экспорт қилинмоқда. Яқин кунларда улар қаторига Германия ҳам қўшилиши кутилмоқда. Айни пайтда корхонада саноат зоналари ишчилари ва уларга яқин жойлашган аҳоли учун зарарли таъсирларнинг салбий оқибатларини бартараф этишга кўмаклашувчи доривор ўсимликлар жамланмаларини тайёрлаш ва сотувга чиқариш устида иш олиб бориляпти.

ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА?



“Medical manufacture center” МЧЖ раҳбари Абдурашид Нigmatжоновнинг имплантация қилинадиган юқори технологияли тиббий асбоб-ускуналарни инновацион ишлаб чиқариш лойиҳаси учун 1,5 миллиард сўм ажратилганди. Айни пайтда корхонанинг йиллик даромади 1,7 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Келгусида бир йиллик даромад 10 миллиард сўмга етказилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон туристик шаҳарларининг 3D ва VR BOX моделларини яратиш бўйича иш олиб борган Ҳакимбой Йўлдошевнинг ўтмишга виртуал саёҳат қилиш имконини тақдим этувчи лойиҳасига Инновацион ривожланиш вазирлиги Илм-фани молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 947 миллион сўм ажратилганди. Айни пайтда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун “Wolfsort” хусусий корхонасининг йиллик даромади 5 миллиард сўмни

ИНВЕСТИЦИЯ БОШЛАНГАН ЛОЙИҲАНИНГ АМАЛГА ОШИШИДА АСОСИЙ КОМПОНЕНТДИР. АММО...



Стартап — бу бозорга кириб келаётган янги лойиҳага эмас. Стартап деб аташ учун уни илгари сурилаётган инновацион гоёни бор куч ва ресурсларни қўллаб-қувватлаш билан ҳамма бирга қўллаб-қувватлаш керак. Ишга туширилаётган лойиҳанинг яна бир асосий жиҳати инвесторларнинг ёрдами. Ҳатто энг яхши гоёни ҳам инвестициясиз амалга ошириб бўлмайди. — Ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган лойиҳалар сони кундан-кунга бораётган қувонарли, аммо бу ошадиган қилиниши керак бўлган ишлар кўп, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки директорининг инновациялар бўйича ўринбосари Жаҳонгир Ражабов. — Стартапларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида муаммолар бор. Юртимиздаги бизнес доиралар ҳамма вақт ҳам янги лойиҳаларга қизиқиш билан қарайвермайди. Тадбиркорлар келажак мавҳум лойиҳаларга пул тикишдан қўрқашади. Венчур капитал қўйилмалар ва бизнес фаршталари концепцияси ривожланиш босқичида ва етарлича машғурликка эришмаган. Айрим соҳаларда стартаплар етишмайди, бошқаларида эса, ортиқча. Айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги стартаплар машғур бўлиб бормоқда. Масалан, икитомий соҳадаги Open Data Challenge 2020 форумида NLS жамоасининг брайль алифбосини таниб олиш лойиҳаси ғолиб чиқди ва қўриш қўриятли заиф одамлар учун илова яратилишига замин яратди. Бу қувонарли, албатта. Аммо бундай стартап лойиҳалар қурилиш, банк ва саноат каби соҳалар вакиллари эътиборига муҳтожлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Ўзбекистон ёшларида буюк гоёлар бор. Уларни амалга ошириш мақсадида IT парк бутун мамлакат бўйлаб IT марказлар очмоқда, шунингдек, IT академия курслари орқали иш берувчилар эҳтиёжини қондирадиган мутахассислар тайёрланмоқда. Бугунги кунда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан стартап экотизимини ривожлантириш, лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча танловлар ўз ўрнида қилинган. Жумладан, ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида молиялаштириш учун устувор инновацион, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва стартап лойиҳалар танловлари шулар жумласидандир.

ЯГОНА СТАРТАПЛАР ПЛАТФОРМАСИ ҲАҚИДА



Экотизим фаолиятини рақамлаштириш, мавжуд интеллектуал ресурслардан самарали фойдаланиш, соҳанинг тизимли ташкил этилишини таъминлаш ягона платформа ташкил этиш талоқи этмоқда. Платформа стартап экотизими субъектлари маълумотлари базаси (инвесторлар, стартаплар, коворкинг марказлар, инкубатор ва акселераторлар), стартап лойиҳаларни молиялаштириш ва мониторинг қилишни рақамлаштириш асосида ташкил этилади. Мамлакатимиздаги инновацион фаолиятда туб ижобий бурилишлар халқаро ташкилотлар томонидан мунтазам тарзда эътироф этиб келинмоқда. Жорий йил Ўзбекистон глобал инновация тенденцияларини баҳолаб борувчи Глобал инновацион индекс рейтингидида 7 поғона юқорилаб, 132 давлат орасида 86-ўринни эгаллади. Илм-фан соҳасига ажратилган маблағ — бу инновация ютуқлари сари ташланган қадам, келажакка киритилган инвестициядир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўника пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадм бўлолмаймиз”.

